

№ 03-шн/сонли
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ
(курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида)

«04» 04 2022 йил

Бухоро шаҳри

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиклик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Бухоро вилоят худудий филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи худудий филиал раҳбари Н.Тўраев бир томондан ва Бухоро шахар “**Когон истиқбол қурилиш монтаж**”МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи жамият раҳбари Х.Тоғбоев иккинчи томондан Когон тумани Сараён қўчаси 34-й ва Сараён қўчаси 35-йлар фасад кисмини тамирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (куриш, кайта куриш ва мукаммал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хulosалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиши - ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул килиш, уларни қабул килиш ва белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг карори (**2022 йил «01» Апрельдаги 51877 лот бўйича электронный баённома**) билан тасдиқланган ишлар киймати ушбу объект тўлаконлигига фойдаланишида **ҚҚС билан 45 130 960 (Кирк беш миллион бир юз умтоз минг туккиз юз олтмии сўм**) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

-объектнинг кайта куриш ишлари кийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлгандা;

-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартнома кийматининг ўн фоизидан ошмаган ҳолда ва ушбу ўзгаришларга белгиланган тартибда смета-хужжатлари тайёрланган ҳолда расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ ҲУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи ушбу шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- объекtdagi қурилиш ишлари бошланишдан олдин объекtda қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўлаётган ва ундан мавжуд элементларини далолатнома асосида объекtdan фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу объекt кисмидаги элементларини саклаш ишларини амалга оширади;

- ушбу қурилиш объекtnini куриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартномona тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айrim иш турларининг бажарилишида сметa хужжатлariда белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хulosasi асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор килиш;

- сметa хужжатlariда бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айrim иш ҳажмлари ва харажатлар сметa хужжatlariда кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисад килинса, ушбу маблағни айrim харажатлар бўйича қурилиши мумкин ва кўшимча бажарилиши лозим бўлган иш

хажмлари харажатларини коплаш учун объектнинг умумий киймати доирасида асословчи Буюртмачини хабардор килган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш хажмларида танлов нархларидан олиниши, агарда танловда бўлмаса смета-хужжатларидаги нархлардан олиниб, бажариш ҳисоб-фактурасида кўрсатилиши лозим.

- объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материаллари мувофик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;
 - шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдикланган лойихага мувофик топширади;
 - барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарде тутилган ҳажм ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камидаги 20%ни ўзининг кучлари билан курилиш қондалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал килган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топширади;
 - объектга зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка ҳом-ашёлар ва курилиш техникасини ўз вактида ҳамда зарур хажмларда етказиб бериш, уларни кабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;
 - зарур ҳолларда курилиш-таъмиглаш майдони ҳудудида вактингчалик иншоотлар куради;
 - Буюртмачини, ёрдамчи пудратчилар билан пудрат шартномалари тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килади;
 - курилиш-таъмиглаш майдонида техника ва ёнгин хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;
 - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб “3” кун муддатда курилиш-таъмиглаш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактингчалик биноларни бўшатади;
 - курилиш-таъмиглаш майдони кўрикланишини таъминлайди;
 - белгиланган муддатларда ва вактларда бажарилган курилиш ва таъмиглаш ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг “20”-санасигача Буюртмачига тақдим килади;
- Объектда курилиш ва таъмиглаш ишлари тўлиқ тугатилгандан кейин бажарилган курилиш ва таъмиглаш ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тўлиқ тақдим килади;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартномада бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавобгар ҳисобланади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул килинган иш хажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йўл кўйилгандиги аникланганда, кейинги кунларда бажарилган иш хажмларига тегишли ўзгартириш (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

V. БУЮРТМАЧИННИГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик равишда қабул килиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини “3” кун муддатда кўриб чикиш ва карор қабул килиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартномада имзоланган кундан бошлаб “3” кун давомида Пудратчига ишларни қабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатларини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Пудратчи мазкур шартномада конуний кучга киргандан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Пудратчи объектда куриш ва таъмиглаш ишларини бошлангич аванс маблағлари тўлангандан сўнг “10” кунда тутагиб, объектни сифатли ва тўлиқ килиб (тегишли барча хужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошка сабаблар бўлганда Бухоро вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошкармаси ишчи танлов комиссиясининг қарорига аласан курилиш ва таъмиглаш ишлари муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

- Ишларнинг бошланиши: 2022 йил “01” Апрель
тутагиши 2022 йил “30” Апрель

11. Мазкур шартномада бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

Буюртмачи Пудратчига шартномада бўйича жорий (режалаштирилган) иш кийматининг **30% фоизи**, яъни **13 539 288** (Ун уч миллион беш юз уттиз туккиз минг икки юз саксон саккиз) сўм микдорида аванс тўлаб беради.

13. Буюртмачи ва Пудратчи белгиланган муддатларда бажарилган курилиш ва таъмиглаш ишларини

алумотнома-хисоб-фактура” билан расмийлаштирилди, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) лича физик ва киймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилди хамда мазкур объект учун белгиланган тартибда давлат бюджети маблаглари хисобидан ёки маҳаллий бюджет хисобидан вилоят ҳокими фармойиши асосида кўшимча маблағ ажратилгандан сўнг 2-иловага асосан тўловлар амалга оширилди.

14. Жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг белгиланган муддатларда амалда бажариладиган ишлар микдоридан берилган аванс микдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий киймати 95 фоизи микдорда амалга оширилди.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича ушбу объект бут холда сакланиши учун жавобгариликни ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий ўйқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар кийматидан 5 % фоизи микдоридаги маблағ мазкур шартноманинг 47-бандида белгиланган кафолат муддати (объектга тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин кафолат муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилди.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб килиш ёки шартномани бир томонлами ўрнатилган тартибда бекор килиш хукукига эгадир.

18. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштиришнинг кечикиши бюджет маблагларини ажратувчи ва молиялаштирувчи ташкилотнинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича “Буюртмачи” “Пудратчи”нинг олдида жавобгар бўлмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник назоратчи (етакчи мутахасис)ни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар хажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофилгини текширади.

19. Техник кузатувчи - (филиал “Бирламчи-рухсат берувчи ва лойихаларни бошқариш, курилишни техник жихатдан кузатиб бориш бўлими” етакчи мутахасиси) ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

20. Пудратчи Буюртмачининг вакили -техник кузатувчи (филиал “Бирламчи-рухсат берувчи ва лойихаларни бошқариш, курилишни техник жихатдан кузатиб бориш бўлими”) етакчи мутахасисини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи - етакчи мутахасис Пудратчи томонидан ўтказиладиган, курилиш-таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равиша катнашади.

21. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, килинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун биринкирилган техник кузатувчи (етакчи мутахасис) билан белгилаган муддатларда обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган тартибда ижро хужжатлари билан) ва бажарилган ишлар хисоботини “Кўп хонадонли уйларни, иссиклик таъминоти обьектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Бухоро вилоят филиали раҳбариятига топширади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равиша ташкил этади.

23. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

24. Буюртмачи курилиш-таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва обьектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нуктлари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

25. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофилги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

26. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курил

ган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан курилиш-таъмирлашда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат

стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиковчи тегишли сертификатларга,

техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равиша хабардор килади.

31. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (боскичи) бўйича кабул килиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга кадар бажарилишига караб амалга оширилади. Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия, кабул килиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи- (Бирламчи-рухсат берувчи ва лойиҳаларни бошқариш, кабул килиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи- етакчи мутахасиси) (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш курилишни техник жихатдан кузатиб бориш бўлими етакчи мутахасиси) (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш

бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур холларда), объектга хизмат кўрсатадиган юкори ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни кабул килиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс шунингдек кабул килинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берадиган. Далолатномага ўлчовлар кайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова килинади.

32. Пудратчи Буюртмачининг курилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилгандай ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикик хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

-Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чишишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

-Объектда курилиш жараёнда технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар хамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни кабул килиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилоти жалб этилиши мумкин.

-Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) кабул килиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) кабул килиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-хисоб-фактура билан, микдор ва киймат кўрсаткичлари хисоб-китоб жадвалида акс этирилган холда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатисиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

35. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди.

36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларida аҳамиятга эга бўлган холлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс этирилади.

-Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён киласи.

-Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

37. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва кайта куриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

38. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иктисолий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни такидаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга кабул килинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

39. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

-Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

40. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киласи.

41. Агар томонлар иккى ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

42. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олиш шаҳарсозлик нормалари, коидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Курилиш обьекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) обьектнинг тугалланганлиги ва у кабул олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишга кабул килинади.

Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- курилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъуль ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- ёпилиб кетадиган ишларни кабул қилиб олиш далолатномалари;

43. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда кабул қилиб олинади.

44. Пудратчи кайта куриш тугалланган обьектни кабул қилиб олиш бошланишидан “3” кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркиба икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

45. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда обьектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

46. Пудратчи:

-барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-смета хужжатларига ҳамда курилиш меъсрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

-ўзи томонидан курилиш ва таъмирлаш ишлари учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-смета хужжатларига бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлик ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларига кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисол килинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун обьектнинг умумий киймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-хужжатларини тайёрлатиш;

-шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида обьектдан фойдаланиш жараёнда нуксонлар ва чала килинган ишлар аникланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишни;

-объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

47. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар кайта куриш тугалланган обьектни кабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб **12 ой** этиб белгиланади.

48. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом этириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

49. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

50. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан “5” кундан ортик муддатга кўпайган ҳолда;

-бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан хисоб-фактурасини расмийлаштириб “3” кун ичida топширилмаган ҳолда;

-Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъсрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

51. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан “5” кундан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

52. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугаллангае .
таъмиrlаш ишлари буйича маълумот “3” кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар .
Пудратчига тўлайди.
53. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи .
ёзма билдиришнома юборади.
54. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой .
берилган фойдани тўлайди.
55. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур
шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

56. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор
томон:

-иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

-Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг
шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Конунда, бошка конун хужжатлари ҳамда мазкур шартномада назарда
тутилган тартибида жавобгарликка тортилади.

Курилиш ва таъмиrlаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот конунчиликка асосан ва шартномага
мувофик буюртмачи олдида кўйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш ва таъмиrlаш ишлари;

- обьектни ҳамда унинг боскичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

- буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш ва таъмиrlаш ҳамда бошка иҳтисослаштирилган
ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж килиш муддатлари бузилиши;

- обьектнинг смета хужжатларида белгиланган ерларни рекультивация килиш ишлари бажариш ҳажмлари ва
муддатларининг бузилиши;

- қурилиш ва таъмиrlаш жараёнида ёки оралиқ кабул килишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошка назорат
органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ҳамда нуксонларни бартараф
етишни оркага суриш;

- шартномада кўзда тутилган бошка мажбуриятларни бажармагани ёки лозим даражада бажармагани.

Пудратчи томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошка камчиликлар
мавжудлигига Буюртмачи, агар конунчилик ёки шартномада бошка шартлар кўзда тутилмаган такдирда, пудратчидан ўз
ихтиёрига кўра кўйидагиларни талаб килиш хукукига эга:

- нуксонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишин;

- агар Пудратчи нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки обьектдан фойдаланувчи
ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вактида бартараф
етилмаганигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш кийматини ундириш хукукига эга.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида
молиялаштирумсанлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига
кечичирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда
пенянинг умумий суммаси молиялаштирумсан маблаг кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод
килмайди.

58. Пудратчи томонидан обьектни ўз вактида ишга тушириш ёки тайёр ҳолатда топшириш бўйича мажбурият
бузилса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган
кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки
кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун, шунингдек
тугалланиш муддатидан ўтказиб юборилган обьектлар учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир
кун ва сифатсиз бажарилган ишлар учун аникланган кийматнинг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг
умумий суммаси кечичирилган муддат ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган
зарарларни коплашдан озод қилмайди.

59. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш
хужжатларига мувофик бўлмаса, у ҳолда Буюртмачининг хulosаси асосида обьектни кабул килиш ва унинг учун ҳак
тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи
микдорида жарима ундириш хукукига эга.

60. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташкири
шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши
ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни
коплайди.

Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аникланган
камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини
ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан
чегириб колиш хукукига эга.

51. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги - пена тўлаш томонларни ушбу мажбуриятлари бажаришдан озод килмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

62. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Бухоро туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

63. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

64. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

65. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

66. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

67. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикиришга ҳаклидир.

68. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

69. Тарафлар мазкур шартнома бандларига тўлик риоя килган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ти конунига амал килиши шарт.

70. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунча амал килади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган З нусхада тузилди, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Пудратчи”да учинчи нусха эса инжинииринг компанияси ДУКга такдим этилади. (қизиқувчи томонларга тарафларнинг руҳсати билан шартнома нусхаси берилиши мумкин).

72. Мазкур шартнома вилоят ғазначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг конуний кучга киради.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАР ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмиглаш ҳамда иссиклик таъминоти обьектларини куриш бўйича инжинииринг компанияси” ДУК Бухоро вилояти худудий филиали.

Манзили: Бухоро ш. И.Муминов кўчаси 2 уй.
Х/Р: 400121860064017069902110001
ИНН:307906044

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазначилиги

Банк: МБ ХКМ Марказий банк
Тошкент шаҳар бош бошкармаси
Х/Р 2340200300100001010
МФО 00014 ИНН 201122919

Рахбар:  Н.Тўраев

“ПУДРАТЧИ”

“Когон истикбол курилиш монтаж” МЧЖ

Манзил: Бухоро ш новоий шоҳ кучаси 6-уй


Банк: ККБ Когон филиали
Х/Р: 20208000400865328001
МФО:00087 ИНН:305443631



Х. Тоғбоев

Юрист хуносаси: Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 37-боб 631-655-моддалари, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ти конуни талаблари асосида тўғри тузилган бўлиб, шартнома предмети, шартнома баҳоси ва тўловлар, тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги, низоларнинг ҳал қилиниши ва бошкалар амалдаги конун талаблари асосида белгиланган.

Гувохнома:ЮК№006123

Юрисконсульт:  Шодмонов.Турсун.Мастонович